

Салавотни кўпайтиринг!



11:18 / 06 декабрь 861

Муҳаддис Аҳмад Шерозий вафот қилгач, бир киши унинг ўғлининг олдига келиб деди:

- Тушимда отангни кўрдим. Шероздаги масжид меҳробида турибди. Эғнида чиройли кийимлар, бошида турли қимматбаҳо тошлар билан безатилган тож бор эди. Мен ундан сўрадим:

- Аллоҳ таоло сенга қандай муомала қилди?

Отанг деди:

- Мени Аллоҳ мағфират қилди, икром қилиб жаннатига киритди!

- Нима сабабдан?

- Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп салавот айтганим сабабидан!

Жума куни салавотни кўпайтиринг!